Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 142 (7. 231) 1990 йил 26 июнь, сешанба Баҳоси 3 тийин

Янгиликлар — Воқеалар — Хушхабарлар

Муддатидан илгари

⊙ **ЖУМҲУРИЯТ монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигига қарашли ҳавони мўътадиллаштириш қурилмалари саноати трести жамоаси халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ярим йиллик топшириқларини муддатидан олдин шараф билан уддалади.** Белгиланган 227 минг сўмлик ўрнига 346 минг сўмлик истеъмол буюмлар тайёрланди.

Шунингдек, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. 61,9 минг сўм ўрнига 76,3 минг сўмлик иш бажарилди.

Н. МИРҚУРБОНОВ.

Ўтга чидамли бўёқ

⊙ **БУГУН Тошкент автомобиль транспорти йўллари олийгоҳининг умумий кимё кафедрасида ёғлаш ва совутиш полимер суюқлиги тайёрланди.** Айни кунларда бу суюқлик Тошкент трактор заводида ишлатилмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда янги полимер суюқлиги шарофати билан йилига 40 минг сўм тежаб қолинади.

Шунингдек В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қўллаш учун металларни ва бир қатор янги маҳсулотларни бўяш учун ўтга чидамли бўёқ маҳсулоти тайёрланиб, қўллаш учун юборилди.

Д. ОРТИҚОВ.

Ҳамкорликда гап кўп

⊙ **ЎҚИТУВЧИ кадрлар малакасини оширишда уларни ўқув-методик томондан пухта қуроллантириш муҳим аҳамиятга эга.** Шуни назарда тутиб жумҳуриятимиздаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида масаланинг ана шу томонларига бутун эътибор қаратилмоқда.

К. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ўқув-методик ишлар сифатини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирларни кўрмоқда. Бунда қардош жумҳуриятларда орттирилаётган илғор иш усуллари ҳам қўл келаётир.

Шу мақсадда методик марказ Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Белоруссия жумҳуриятлари ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари билан шартнома имзолади. СССР Педагогика фанлари академияси узлуксиз таълим институти билан биргаликда ўқув-методик ишларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ҳамда изланишлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

Малака ошириш тармоги ўқув юртлари учун дастурлари ишлаб чиқиш, ўқув методик режаларни такомиллаштириш тадбирларини ҳам кўрди.

А. АКБАРОВ.

Халқаро саводхонлик йили

⊙ **НУТҚИ яхши ривожланмаган болалар билан ишлаш йўлида кўрилаётган тадбирлар яхши самаралар бермоқда.** Бундай ишларни жумҳуриятимиз миқёсида кенг кўламда олиб бориш лозим деб топилди. Шу мақсадда «Дефектология» тармоқ дастури тайёрлашга киришилди.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги томонидан ишлаб чиқилаётган бу тадбир ЮНЕСКО ўтказаётган Халқаро саводхонлик йили доирасида амалга оширилмоқда. Дастурни ҳозирлашда жумҳурият ўқув-методика маркази, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти мутахассислари кузатишлари натижалари асос қилиб олинади.

Нутқи яхши ривожланмаган болаларга ёрдам кўрсатишни кучайтириш мақсадида яна бир хайрли ишга қўл урилмоқда. Л. Вигодский номидаги ёрдам фонди жумҳурият бўлимининг тузишга киришилаётганлиги нур устига аъло нур бўлди.

А. АЛИЕВ.

Пахтакорлар ҳузурига

⊙ **БУГУН Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик Катта театрининг Г. Измайлова етакчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлари Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига жўнаб кетди.** Улар пахтакорлар ҳузурида концертлар беришади.

Д. МУРОДОВ.



⊙ **БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК.** «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётган украин Елизавета Шрамко, корейс Элона Пак ва рус Елена Кудряшевалар муҳандис-конструкторларга намуна бўлишга интилмоқдалар.

Р. Шарипов суратга.

Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати



ЭЪТИҚОД БУТУН БЎЛСА

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ РЕКТОРИ, СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ МУХБИР АЪЗОСИ, СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ Э. Ю. ЮСУПОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Эркин Юсупович, Сизнингча жумҳуриятимиз коммунистлари XXII съезднинг аввалги съездлардан фарқи нималарда кўринди? Таассуротларингиз қандай? Шулар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Мен Ўзбекистон Компартиясининг XIX, XX, XXI съездларининг ҳам делегати бўлганман. Ушбу съезд ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Шу ўринда «Правда» рўзномаси мухбирларининг съездимиз хусусида билдирган фикрларига умуман қўшилмайман. И. А. Каримов маърузасида ҳамма масала шундай аниқ ёритиб берилдики, мунозарага ўрин қолмади.

Съездда ҳисобот давридаги ижобий ўзгаришларга ҳам, камчиликларга ҳам холисона баҳо берилди. Ҳозир асосий гап жумҳурият истиқболи ҳақида боряпти. Энди ҳалқни алдаб бўлмайди. Қуруқ ваъдалар даври ўтди. Фақат амалий ишларга ишонилади. Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришмаса, ўз бойлигини ўзи сарфламаса, нарх-навони келишиб ҳал қилмаса қолоқ жумҳурият бўлиб қолаверади. Жумҳуриятимиз аслида иқтисодий исканжада қолган эди. Режа тепадан белгиланарди. Шунинг учун ҳам у хом ашё базасигина эди. Режа белгилашда фақат мамлакат эҳтиёжи ҳисобга олинарди.

Сиёсий жиҳатдан ҳам катта хатоларга йўл қўйилди. Илгари Ўзбекистон Компартияси КПССнинг жанговар отряди дейиларди. Аммо унинг бирон-бир ҳуқуқи бўлмаса қандай қилиб мустақил Компартия бўлиши мумкин. Биз бундан буён ҳам КПССнинг бир қисми бўлиб қолаверамиз, лекин Ўзбекистон Коммунистик партияси мустақил бўлиши керак. Унинг ўз йўли бўлсин. Тўғри, бизнинг мафкура масаласида, адолатли социализм қуриш масаласидаги дастурларимиз муштарак. Аммо ҳар бир жумҳуриятнинг ўзига хос сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолари ҳам бор. Илгари масаланинг бу томонларига эътибор берилмасди ёки барча масалаларни ҳал қилишда тепанинг кўрсатмаси билан иш юритиларди.

Масалан: жумҳурият партия ташкилоти кадрлар масаласини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмасди. Юқорига маъқул бўлганлар қўйилардию, қўлидан иш келадиганлар бир четда қолиб кетаверарди. Шу туфайли қанчадан-қанча яхши кадрларимиз четда қолиб кетди.

Аслида Ўзбекистонга кадрларни четдан чақириш «ташаббуси» юқоридан бўлган. Уни юқоридан кўролмайдиган баъзи собиқ раҳбарлар байроқ қилиб кўтариб чиқишди. Юборилган ўша «лаёқатли», «истеъдодли»лар эса ишни бузишдан бошқа ҳеч нарса қилмади. Беш йил мобайнида бу қамчиликларни ичимизга ютиб келдик.

Миллий-маданий мерос масаласида ҳам тепадан топшириқ олиб ишладик. Кўпда оқин қора, деб кўрсатишга мажбур бўлдик. И. А. Каримов маърузасида шуларнинг ҳаммаси очиб ташланди. Унга қўшимча биронта фикр кўтариб чиқишга менимча ҳожат қолмади. Музокараларда йигирмадан ортиқ киши қатнашди. А. И. Фозилбеков, А. Р. Отажонов ва Ш. Р. Мирсаидов чиқишларида долзарб масалалар кўтарилди. Съезд ишида сафсатабозлик, қилинаётган ижобий ишларнинг йўққа чиқарилишлари бўлгани йўқ. Бу ўзбекистонлик коммунистларнинг маданиятидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда олдинги съездларга таққослаганда бу анжуманни олға қараб қўйилган қадам, деб ҳисоблайман. Энди белгиланган шу режаларни дадиллик билан амалга ошириш қолди.

⊙ **Академик Э. Ю. Юсупов билан суҳбатнинг давомини рўзномамиз 3-саҳифасида ўқийсиз.**

Рўзноманинг шу сонига

ИСТИҚБОЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РЕЖАЛАР

⊙ **Мухбиримиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар агросаноат бирлашмасининг раиси С. Т. ТОШҚУЛОВ билан суҳбатда бўлди.**

— **Сергей Тошқулович, шаҳар бозорларидаги нарх-наво — аниқ кўрсаткич. Ҳозир улар осмонга чиқиб кетган — боғ ва полиз маҳсулотлари ёнига яқинлашиб бўлмайди. Бу давлат савдоси томонидан рақобатнинг мутлақо йўқлиги ёки етарли эмаслигидан далолат беради. Сизнинг ўзингиз бу вазиятни қандай баҳолайсиз?**

— Сиз билан батамом розиман. Бу чиндан ҳам жиддий муаммо. Бу масаланинг Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ҳузурида батафсил, амалий суҳбат мавзуи бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Давлат агросаноати ходимлари олдига, жумладан бизнинг бирлашмамиз олдига аниқ вазифа: аҳолининг «дармондори» маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш: Тошкентнинг барча районларини сархил мева ва сабзавотлар билан, полиз экинлари билан таъминлаш вазифаси қўйилган эди.

Ушбу муаммони ҳал этишга турли йўллар билан ёндошиш мумкин. Қайтадан бошлиқларга хос: «Керак!», «Зўр беринглар!» қабилидаги ҳайқириқлар янграши мумкин. Уларни деҳқонлар эшитган тақдирда ҳам пештахталарда сабзавотлар кўпайиб қолмайди.

Бошқача ёндошув ҳам бор. Ҳамма замонларда у ягона ва тўғри ёндошув бўлиб келган. Мен иқтисодий омилларни, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янгича шаклларини изланишни назарда тутаяпман.

Хўжалик юритишнинг мажбурий-буйруқбозлик усуллари ўтмишга ўтаяпти. Эндиликда биз, шаҳар агросаноати ходимлари деҳқоннинг гапларига қулоқ солишимиз, унинг муаммоларини сезгирлик билан ҳис этишимиз лозим. Бу қуруқ сафсата эмас. Бу бизнинг нуқтаи назаримиз. Уни аниқ мисолларда изоҳлаб беришга уриниб кўраман.

«Ҳосилни сўнгги кўрагигача йиғиштириб оламиз» деган шиор ҳаммага яхши маълум. У кенг маънога эгадир. Ундаги «кўрак» сўзи ўрнига истаган экинингизнинг номини қўйиб «...сўнгги помидоригача, тарвузгача ва ҳоказо» деб шиор ташлаш, шундай қилиб «ҳосил учун курашда» ютиб чиқилди деб ҳисоблаш мумкин. Фақат ана шу кураш жараёнида юзлаб, минглаб кишиларнинг куч-ғайратини кўкка совураётган улкан йўқотишларни сезмасликка ҳаракат қилардик. Айтиш мумкинки, маҳсулот истеъмолчига етиб бормас эди. У базаларда йўқолиб кетар, дўконларнинг ёрдамчи хоналарида чириб ётарди.

Ҳозир бирлашмамизнинг барча йирик дўконларида савдо қилиш билан бирга дала неъматлари қайта ишланаяпти: помидор ва бодринглар тузланаяпти, тўғралган сабзи, пиёз сотилаяпти, турли масаллиқлар тайёрланмоқда.

Бунга меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг ижара, бригада, оила пудратларини, бошқа илғор усулларни жорий этиш ҳисобига эришдик. Бирлашма дўконларига хизмат кўрсатаётган меҳнат жамоаларининг ярмидан кўпи хўжалик юритишнинг янгича шароитларида ишлаяпти.

Ижара билан буйруқбозлик чиқишмаслигини тушуниш учун мутахассис бўлиш шарт эмас. Шунга мувофиқ ҳамиша тамал тоши бўлиб келган нархнаво сиёсати ҳам ўзгарди. Илгариги қатъий баҳолар ўрнига маҳсулотнинг энг юқори ва энг қуйи нархлари белгиланмоқда, у маҳсулотнинг сифатига қараб ўзгариб туриши мумкин.

Бу чегара эмас. Қатор майда савдо дўконларини биз хусусий шахсларга топширишни режалаштираяпмиз. Бундай дўконларда нарх бир кеча-кундузнинг ўзида ўзгариб туриши мумкин. Шундай дўконлар ҳақидаги низом ҳозир ишлаб чиқилаяпти.

— **Қандай тадбирларни кечиктириб бўлмайди? Биринчи галда нималар қилиш керак?**

— Тошкентликларни мева ва сабзавотлар билан қониқарли таъминлаб туриш учун савдо майдонларини кенгайтириш керак. Агар бугунги кунда бирлашма ҳузурида 217 та очиқ дўконлар мавжуд бўлса, биз уларнинг сонини 275 тагача етказамиз. Бундан ташқари 239 та дўкон, шу жумладан 27 та фирмали дўкон ишлаб турибди. Уларда муайян колхоз ва совхозларнинг маҳсулотлари билан савдо қилиняпти.

Ўтган йилнинг июнидан, бирлашмамиз ташкил этилганидан бери Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг магазинлари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ярмига қисқарди. Эндиликда улар мазкур ишда мажбурий равишда иштирок этадилар.

Дўконларнинг жойлаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Барча янги савдо дўконларини биз саноат корхоналарида, транспортнинг йирик бекатларида, «чакана савдогарларга» рақобатчи сифатида шаҳар бозорларида очишни режалаштирмоқдамиз.

— **Ҳар йили зўр шов-шув билан Тошкентга жумҳуриятимиз вилоятларидан карвонлар келади. Вилоятлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келтириш бу йил қандай амалга оширилади?**

— Зўр бериб безатилган карвоннинг кириб келиши маҳсулотни етказишни эмас, кўпроқ театр томошасини эслатади. Натижада таъминот маромига етмайди — «бир қарасангиз—ҳамма нарса бор, бир қарасангиз ҳеч вақо йўқ».

Шахсан мен қандайдир анъаналар давом эттирилишига қарши эмасман, айни вақтда улар нормал ишга халақит бермаслиги керак. Шунинг учун жумҳуриятимиз вилоятларидан келтирилиши режалаштирилган 19 минг тонна мева, 27 минг тонна полиз экинлари, 4 минг тонна узум белгиланган аниқ график бўйича етказиб келинади.

Бундан ташқари Юнусобод бозорида ва унинг бўлимларида Тошкент вилоятининг доимий ярмаркаси бўлади.

— **Ҳамиша «дала-магазин» конвейерига катта умид боғланарди. Мазкур конвейер бундан кейин ҳам ишлайдими?**

— Воситачилардан, оралиқ базалардан, ортиқча ортиш-тушириш ишларидан ҳоли бўлган меҳнатнинг бу кўриниши шак-шубҳасиз ҳамма ерда кенг ёйишга арзийди. Ваҳоланки, унда ҳам ўзгаришлар рўй беради. Жумладан, ҳосил йиғим-теримига жалб этилган талабаларнинг меҳнатига кўпроқ ҳақ тўланадиган бўлади. Меҳнат жамоаларининг вакиллари ишлаб топган маблағларининг бир қисмини бевосита маҳсулотлар кўринишида олишлари мумкин. Яна йиғиб-терилган ҳосилни ҳам ўша корхоналарнинг ўзида сотиш мумкин. Ишонаверинг, маҳсулотларнинг сифати аъло даражада бўлади. Чунки одамлар уларни ўзлари учун, ўз ўртоқлари учун йиғиб-териб олишади.

— **Сергей Тошқулович, бирлашмада қайси масалаларнинг ечими айниқса қийинчиликларга дуч келаяпти?**

— Бизга компьютер техникаси билан жиҳозланган диспетчерлик пункти ниҳоят даражада зарур. Бу шунчаки шу куннинг талабларига тан бериш эмас. Жумладан, компьютер хотирасига барча савдо дўконларига маҳсулот етказиб берилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаш мумкин. Сўнгра хўжаликлар билан зудлик билан боғланиб, маҳсулот етказиб берилишини бошқариш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай маълумотларнинг оператив алмашувига эга эмасмиз. Хўжаликларнинг раҳбарлари саросимада қолган — қаерга, қайси дўконларга маҳсулот етказиб беришни, қаерда уларни пайсалга солмай қабул қилишларини билишмайди.

Маҳсулотларни ташиш учун махсус кичик тоннажли транспорт ҳам етишмайди. Мамлакатимизда, айтиш мумкинки, уларни ишлаб чиқаришмайди. Ҳудудимиз иқлим шароитларини ҳисобга оладиган бўлсак, бизга совутиш қурилмалари бўлган транспорт зарур. Буларнинг ҳаммаси агроконвейер бўғинларини ташкил этади. Уларсиз ишни аниқ ташкил этиб бўлмайди.

Суҳбатни В. СУЛТОНОВ олиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ СУДИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ, ТОШКЕНТ, ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Жиззах область суди раисининг ўринбосари қилиб Очилов Ийлдош

Тошкент область судининг аъзолари қилиб

Саломова Меҳри Жўраевна

Ўринбоева Маъмура Ҳакимовна

Қашқадарё область судининг аъзоси қилиб

Каримов Абдураҳмон Ҳаитович

Тошкент шаҳар судининг аъзолари қилиб

Маликов Ҳаким Каримович

Рўзиев Обиджон Орифович

сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 20 июнь.

Об-ҳаво ва саломатлик

26 июндан 1 июлгача

Ўзбекистон ССР Об-ҳавони кузатиш маркази маълумотларига кўра, шу ҳафтанинг аксарият кунлари Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, ҳаво иссиқ бўлиши кутилади. Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳарорат кечалари 18—23, кундузи 35—40 даража бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кунлар янада исийди. Ҳарорат кечаларн 26-28, кундузи 42-44 даражагача кўтарилиши мумкин.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадан юқори келиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг тиббий об-ҳавони башорат қилиш ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг аксарият кунлари ҳаво ҳаддан ташқари исиши, ҳаво таркибида кислороднинг камайиши аъзоларга салбий таъсир этиши эҳтимоли бор. Об-ҳавонинг ўзгариши ўпка-нафас олиш системаси, сурункали кислород етишмовчилиги хасталиклари, юракнинг ишемик хасталиги, қон босими бўлган беморларнинг аҳволини оғирлаштириши мумкин. Шу сабабли мазкур тоифадаги беморларга очиқ ҳавода, салқин ерларда кўпроқ бўлиш тавсия этилади. Даволовчи шифокорлар билан маслаҳатлашиб, нафас олиш машқларини бажаришни, нисбатан совуқ сув муолажаларини қабул қилишни, шунингдек юрак-қон томирлар фаолиятини ростловчи дори-дармонларни қабул қилишни тавсия этамиз. Уйқу, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига риоя қилишни унутманг.

ITALIA'90

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

Ҳа, жаҳон биринчилигининг турнири ҳал қилувчи паллага кирди. Бундан кейин ўтказиладиган ҳар бир беллашув кескин ва қизиқарли ўтади, деб дадил айтишимиз мумкин.

Дастлабки нимчорак финал ўйинида Камерун ва Колумбия командалари беллашди. Асосий вақт 0:0 ҳисоби билан якунланди. Бироқ камерунликларнинг «сеҳрли таёқчаси» — Роже Милла 105- ва 119-дақиқаларда икки тўп киритиб ўз номининг биринчиликлар тарихига абадий битилишш шарафига сазовор бўлди.

Сўнг ЧСФР — Коста-Рика учрашуви ўтказилди. Чех футболчиларн Скухравн (3) ва Кубикларнинг тўпидан сўнг 4:1 ҳисобида зафар қучдилар. Қизиғи шундаки, ушбу ўйинда дарвоза тўрига тушган беш тўпдан тўрттаси ўйинчиларнинг бош билан киритилди. Бу бизга ҳам ўрнак бўларлидир.

Кейинги икки ўйинда беллашган рақиблар, ҳатто финалда ҳам куч синашишга лойиқ жуда кучли командалар эди.

Дастлаб Бразилия — Аргентина жамоалари баҳсининг шоҳиди бўлдик. Ўйин деярли бошидан охиригача бразилияликлар ҳужуми остида ўтди. Фақат уларга ҳал қилувчи дақиқаларда озгина омад етишмади, холос. Ўйиннинг 80-дақиқасида тезкор Канижжа бразилияликлар дарвозабонини усталик билан алдаб ўтиб учрашув тақдирини ҳал этган ягона тўпни тўрга туширди. Ҳа, футбол шунисн билан қизиқки, унда доим кучли команда ғолиб чиқавермайди, озгина омад ҳам кулиб боқиши керак.

Кейин эса майдонга Голландия — ГФР командалари тушди. Ўйин голландиялик футболчиларнинг тўхтовсиз ҳужумлари билан бошланди. Бироқ ҳисобни ГФР футболчиси Клинсманн очди. 85-дақиқада эса Бреме ғалаба нуқтасини қўйди — 2:0. 88-дақиқада Р. Куман 11 метрлик жарима тўпидан дарвозани забт этди. Ўйин 2:1 ҳисобида тугади.

Кеча Руминия-Ирландия командалари беллашди. Деярли тенг ўтган ўйинда ҳисоб очилмади. Кейинги 30 дақиқа қўшимча вақт ичида ҳам дарвозалар даҳлсиз қолди. Илк маротаба ғолибни аниқлаш учун ўйиндан кейинги 11 метрлик жарима тўпларидан фойдаланишга тўғри келди. Командалар тўрттадан зарбани аниқ бажардилар. Бироқ руминиялик Луховиннинг тўпини дарвозабон Боннер усталик билан қайтарди. Шундай қилиб ушбу ўйинда пенальтилар бўйича 5:4 ҳисобида ирланд футболчилари ғолиб келдилар.

Сўнг Италия — Уругвай учрашуви бўлиб ўтди. Астасекин олға силжиб бораётган италияликлар ушбу ўйинни ҳам кўтаринки руҳда ўтказдилар. Уругвай футболчилари эса онда-сонда қарши ҳужумлар уюштирардилар. Ўйиннинг тақдири иккинчи бўлимда ҳал бўлди. Дастлаб биринчиликни ташкил этган футбол юлдузлари Скиллачи ҳисобини очди. Бу унинг учинчи тўпи эди. Ўйин охирлаб қолганида яшил майдонга илк маротаба тушган Серена иккинчи тўпни киритиб уругвайликларнинг бутун умидларини барбод қилди—2:0. Қизиқарли беллашув шу ҳисоб билан якунланди. Шундай қилиб ҳозирча чорак финалга Камерун, Аргентина, Ирландия, ЧСФР, Италия ва ГФР командалари чиқишди.

Д. ИСРОИЛОВ.

Меҳнатдан иззат топаётганлар





ХАЙРЛИ ИШ ЖОНКУЯРЛАРИ

ҲАММА ҳам Тошкентдаги «Шарқ гули» бадний буюмлар фабрикасида бўлмагани аниқ. Лекин кўпчилик шу корхона чеварлари қўлидан чиқаётган маҳсулотларни харид қилгани, бири-биридан бежирим ва нозик буюмлар ўзбек хонадонларига зеб-зийнат бағишлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чиндан ҳам шу фабрикага бир қадам ранжида қилсангиз ўзингизни гўё турфа гуллар атрофида юргандек ҳис этасиз. Бинобарин, чеварлар қўлидан чиқаётган палаклар, зардеволлар ва бошқа ўзбек миллий буюмларининг довруғи республикамиздан ташқари мамлакатимизга, ҳатто хорижий элларга ҳам таралганини бугунги кунда фахр ва ифтихор билан айтиш мумкин.

Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксарият қисмини бири-биридан чевар ва лобар аёллар ташкил этади. Чапдаги суратда сизга майин табассум билан қараб турган Маъфура Абдусаломова ва Камола Қаюмовалар ҳам шулар жумласидандир.

Маъфура Абдусаломова фабрика тикув цехининг устаси, цех партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлайди. Ана шу боисдан суҳбатимиз ўз-ўзидан Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида бўлиб ўтган гапларга, хусусан халқимизга кўплаб истеъмол буюмлари етказиб бериш борасида енгил саноат ходимлари олдига қўйилган вазифаларга бориб тақалди.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузасида, — дейди М. Абдусаломова, — гарчи енгил саноатда силжишлар бўлиши анчадан бери орзиқиб кутилган бўлса-да, ҳали шундай бўлаётгани йўқлиги ҳақли равишда таъкидлаб ўтилди. Бинобарин, жумҳурият аҳолиси ўтган тўрт йил ичида қарийб ярим миллиард сўмлик халқ истеъмоли молларини кам олибди. Бу нарса енгил саноатчилар шанига ярашмайди. Шу боисдан фабрикамиз чеварлари ишни оқилона ташкил этиб, зиммадаги топшириқларни муваффақиятли бажариш, маҳсулот сифатига асосий эътиборни қаратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бинобарин, М. Абдусаломова таъкидлаганидек, бутун фабрика жамоаси қатори тикув цехи чеварлари ишни маромида ташкил этиб, режаларнинг ҳамиша ортиғи билан бажарилишига эришмоқдалар.

Маълумки, шу съездда ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштиришни кучайтириш, ташқи иқтисодий имкониятлар самарадорлигини кескин ошириш зарурлиги ҳам долзарб вазифа қилиб қўйилди. Бу вазифаларни адо этишда қўшма корхоналарнинг роли салмоқлидир. Диққатингизга ҳавола этилаётган ўнгдаги суратда шаҳримиздаги Совет — Италия қўшма корхонаси акс эттирилган. «Совпластитал» заводининг қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли бўляпти. Бунда корхона гул цехининг устаси Людмила Васильевна Якименко (чапда) ва Мастура Йўлдошеваларнинг ҳам муносиб улуши бор. Бу ишлаб чиқариш илғорлари шу кунларда маҳсулотларнинг ранг-баранг ва харидоргир бўлиши йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар шу кунларда ушбу суратда тасвирланган сунъий арчаларни йиғиш билан машғул бўлмоқдалар. Корхонанинг яна бир янги маҳсулоти ҳадемай савдо тармоқларига чиқарилади.

Заводнинг бошқа цехларида ҳам ўз касбининг усталари, ўз ҳунарларидан иззат-икром топган кўплаб ишчилар ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишмоқда. Улар ўзларининг меҳнатлари билан ҳозирги пайтда ҳувиллаб қолган магазин пештахталарини халқ истеъмоли буюмлари билан мўл қилишдек хайрли ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

С. БОБОЕВ.

Х. Мирзакаримов ва Р. Шарипов суратлари.

Хориждан хабарлар

⊙ ПАРИЖ. Франция Президенти Франсуа Миттеран мамлакатнинг Атлантика океани соҳилидаги Ла-Боле курорт шаҳарчасида 16-Франция—Африка учрашувида сўзга чиқиб, Франция ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида ўзи битим тузган Африка мамлакатларини аввал бўлганидек, ҳозир ҳам ташқи хавф-хатардан ҳимоя қилади, деб айтди. Айни вақтда Франция Африка мамлакатларидаги ички можароларга аралашмайди, деб таъкидлади у. Бундай ҳолларда Франция Африка раҳбарларининг розилиги билан ўз фуқароларини ҳимоя қилиш учун зарур чоралар кўради, бироқ можароларнинг ҳаками бўлмайди, деди у.

Президент 35 та Африка мамлакати делегациялари ҳузурида сўзга чиқиб (бу делегацияларнинг кўпчилигига давлат бошлиқлари бошчилик қилди) Франция ҳукумати Африкадаги тўрт мамлакат — Конго, Камерун, Кот-д Ивуар, Габоннинг қарзини енгиллатиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳақида хабар берди. Бу мамлакатларга берилган қарзлар учун тўловлар ставкаси ярмига камайтирилди.

⊙ ЛОНДОН. КХДР Жанубий Кореяга мулоқотни яна бошлашни таклиф этди. Бу мулоқот шу йилнинг февралида Сеул «Тим Спирит—90» деб аталган навбатдаги Америка — Жанубий Корея биргаликдаги ҳарбий машқларини ўтказишдан тийилиб турмаганлиги сабабли Пхеньян томонидан тўхтатиб қўйилган эди. Рейтер агентлигининг Шимолий Корея ЦТАК ахборот хизматидан олинган хабарга асосланиб, Токиодан хабар берди: «Жанубий Корея билан музокараларда қатнашаётган КХДР делегацияси ўзининг Жанубий Кореядаги шерикларига телефон орқали хабар юбордилар, унда 28 июнь куни олий даражадаги ҳарбий сиёсий музокараларга, 12 июлда томонларнинг парламентлараро анжуманига тайёргарлик кўришни тиклашга шай эканликлари таъкидланади.

⊙ БМТ. БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр Қўшма Штатлар билан Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ) ўртасидаги мулоқот давом эттирилишига умид билдирди. АҚШ Президенти Жорж Буш ушбу мулоқотни «тўхтатиб қўйиш» тўғрисида чоршанба куни айтган эди.

БМТ Бош секретари БМТга аъзо бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг қарорларини ҳурматлайди, деди унинг расмий вакиласи Надя Юнес. Айни вақтда БМТ мулоқот ёрдамида тинчликни қувватлаши лозим бўлган ташкилот ҳисобланади. АҚШ ва ФОТ ўртасида мулоқотнинг тикланиши Яқин Шарқда тинчликка эришишдек муҳим мақсадга хизмат қилган бўлур эди.

Маълумки, АҚШ билан ФОТ ўртасидаги бевосита мулоқот бир ярим йил аввал Тунисда бошланган эди. Бироқ, Президент Буш Хантсвилл (Алабама штати)да бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувда сўзга чиқиб, АҚШ вакилларининг ФОТ билан бевосита алоқалари «Фаластин Озодлик ташкилоти охирги террорчилик ҳаракатлари, жумладан Фаластин Озодлик фронти 30 май куни Исроилга қарши қилган ҳужуми билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун кўраётган тадбирлари ҳақида қониқарли жавоб бермагунича» тўхтатиб қўйилишини айтди.

⊙ ЖЕНЕВА. Ёмон битимга нисбатан узоқ музокаралар олиб борган яхши. — Швейцария ташқи сиёсий маҳкамасининг бошлиғи Рене Фельбер ўз мамлакатининг «Умумий бозор» аъзолари бўлган 12 давлатни бирлаштириб турувчи Европа иқтисодий ҳамжамияти билан Европа эркин савдо уюшмасига кирувчи олти мамлакат ўртасида Брюсселда бошланган музокараларга ёндашувини шундай таърифлади. Мазкур музокаралар қатнашчилари олдида Европа иқтисодий кенглигини тузишга ўзаро мақбул ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Унинг теварагига ҳозир мавжуд бўлган иккала Ғарбий Германия иқтисодий гуруҳи бирлашиши мумкин бўлур эди.

⊙ ЛУАНДА. Ангола халқ жумҳурияти ҳукумати УНИТА оппозициячи гуруҳини мамлакатда қуролли можарони тинч бартараф этиш жараёнини барбод этишга уринишда айблади.

Ангола ахборот министрлиги Луанда шаҳридан хабар қилишича, ўтган ҳафтанинг охири ва ҳозирги ҳафтанинг бошларида жумҳурият раҳбарияти билан УНИТА ўртасида Португалияда бевосита музокараларнинг иккинчи давраси бошланганлигини, у ўт очишни узил-кесил тўхтатишга эришиш йўлларини излаши лозимлигини хабар қилди. Лекин бевосита музокараларнинг иккинчи давраси ушбу масала юзасидан «энг юқори даражада» маслаҳатлашиб олиш зарурлигини баҳона қилиб гуруҳнинг айби билан тўхтатиб қўйилди.

Бу бўлмаган баҳона, дейилади министрликнинг ахборотида, УНИТАнинг Ангола халқи тақдирига даҳлли масалаларни оз бўлса ҳам жиддий муҳокама қилишга тайёр эмаслигини яна бир марта кўрсатди. Бу гуруҳ ўзининг масъулиятсизларча тутаётган ҳаракати билан мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш режаларини амалга оширишни номаълум муддатга кечиктирмоқда.

(ТАСС).

ҲАЙДОВЧИЛАР ҚАТТИҚ НАЗОРАТ ОСТИДА

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Олий суди автотранспорт ҳаракати хавфсизлигини кучайтиришга қаратилган иккита қарор қабул қилди. Суд йўлларда ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик ичган ёки ичмаганлигини текшириш учун полиция назорат постлари ўрнатиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бундай «ҳушёрлик пунктлари» кўп штатларнинг полицияси томонидан айниқса ҳафта охирида ва дам олиш кунлари ўрнатилади.

Еттита штат судларининг қарори сабабли бундай чораларнинг қонунийлиги кейинги вақтларда шубҳа остига қўйилган эди. Судлар бундай ҳаракатни асоссиз равишда тинтув қилиш ва қамоққа олишга йўл қўймаслик хусусидаги конституцияга киритилган бешинчи тузатишнинг бузилиши сифатида баҳолаган эдилар. АҚШ йўлларида ҳар йили 23 мингга яқин америкалик ҳалок бўлишини ва юз минглаб кишилар жароҳатланишини ҳисобга олган олий суд йўлларда «ҳушёрлик пунктлари» ўрнатиш конституцияга зид эмас, деб қарор қабул қилди.

Мамлакат олий суди полиция участкасига олиб келинган кайфи бор ҳайдовчилар тасвири туширилган видеоёзув уларни судга тортиш учун асос бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам қарор қабул қилди.



⊙ ҲАР ЙИЛИ баҳорда Ҳиндистонда мусиқа ва рақс байрами ўтказилади. Одатда бу байрам баҳорги дала ишларининг якунланишига бағишланади. Ҳинд халқ рақсларининг баҳорги фестиваллари анъанавий бўлиб қолган.

СУРАТДА: Гужаротда истиқомат қилувчи адиваси қабиласининг рақс ансамбли.



⊙ БИР ҚАРАШДА Йожи Байрд қандайдир ғаройиб бир рақсни ижро этаётгандек туюлади (суратда). Кўпчилик бу янги цирк номери бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Аммо бундай эмас. 34 ёшли америкалик ҳаммага яхши таниш бўлган твист рақсига бир нечта ўзига хос ҳаракатларни ўйлаб топди. Шуни таъкидлаш керакки, у ана шу ҳаракатларни киритибгина қолмай, уларни телевизор программаси орқали АҚШнинг миллионлаб томошабинлари кўз ўнгида скрипка чалиб намойиш этди.

ТАСС сурати.


«Оқшом»га хатлар

Номлари абадийлаштиришга арзийди

ҲУРМАТЛИ муҳарририят! Қайта қуриш, ошкоралик ва демократия туфайли вужудга келган ҳозирги шароитда жумҳуриятимизда юз берган адолатсизликлар тўғрисида жуда кўп гаплар айтиляпти ва бу ҳақда ёзиляпти. Жумладан, Туркистонда Совет давлатини барпо қилишнинг дастлабки йилларидаёқ Туркистон халқлари орасидан чиққан давлат арбоблари, ёзувчилар ва илғор зиёлиларнинг кўпчилиги ноҳақ равишда «Совет ҳукуматининг душманлари» сифатида йўқ қилиб юборилдилар. 1929-30 йиллардаги қирғинлар, 1937-38 йиллардаги қатағонлар, уруш вақтидаги ва урушдан кейинги (1950) йиллардаги қирғинлар натижасида халқимизнинг энг илғор ва асил фарзандлари адолатсиз равишда шафқатсизлик билан азобуқубатларга дучор қилиндилар. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги ўз халқига ҳалол хизмат қилган асл инсонлар бўлганликлари эндиликда тан олинмоқда.

Бу ишлар биз кексаларнинг кўз ўнгимизда юз бергани учун фожианинг асл моҳиятини бир қадар тушунамиз. Лекин халқимиз бошига тушган бундай фожиани келажак авлод ҳам билиши керак ва ундан тўғри хулоса чиқариб, бундан кейин адолатсизликларга йўл қўймаслиги керак. Шунинг учун мен баъзи таклифларни ўртага ташламоқчиман.

Тошкент шаҳрининг марказий майдонларидан бирига ноҳақ қатағон қилинганларга ёдгорлик ўрнатилса, унда адолатсизлик қурбони бўлганларнинг номлари акс эттирилса.

Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейида махсус зал ташкил этилиб, унда Туркистондаги ноҳақликларнинг қурбонлари тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи фотосуратлар ва бошқа материаллар тўплаб халққа кўрсатилса. Токи ҳозирги ёш авлод ва келажак авлод ўз отабоболарининг қилган ишлари ва уларнинг бошига тушган мусибатдан тўла огоҳ бўлсинлар ва ундан тўғри хулоса чиқарсинлар.

Қ. ЗИЁЕВ,
шахсий пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Бекор қолган арз

БИЗ Бешқайрағоч даҳасидаги Зиё Саид кўчасида истиқомат қиламиз. Кўчанинг биз яшаётган тарафидан ҳозиргача канализация қувурлари ўтмаган. Бу ҳол аҳолига катта ноқулайликлар туғдирмоқда ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Бир неча маротаба дардимизни айтиб мутасадди ташкилотларга ариза билан мурожаат қилдик. Улар бу кўчага канализация қувурларини ўтказиш бош планда йўқ деб важ қилишдан нарига ўтишмади. Депутатлар билан бўлган учрашувда айтган арзларимиз ҳам бекор кетди. Даҳадаги бир қанча кичик кўчаларга аллақачон канализация қувурлари етиб борган. Асосий йўл ҳисобланган Зиё Саид кўчаси эса пландан тушириб қолдирилган, буни қандай тушуниш мумкин! Ахир бу ердаги уй-жойларнинг қурилганига 24 йил бўлди-ку? Шу давр ичида аҳоли сони ортиб, ҳовлилар саҳни кичик бўлиб қолди. Ҳадеб ўра қазиш ҳам хавфли. Аёллар ва болалар серқатнов йўлни кесиб ўтиб, трамвай йўлига ифлос сувларни чиқариб ташлашга мажбур бўлишмоқда. Бу аҳвол яна қачонгача давом этади?

О. ИБРОҲИМОВ.
Жами 9 имзо.

Сувга зормиз

ШАҲРИМИЗНИНГ Собир Раҳимов районидаги Сағбон кўчаси (Қўштут даҳаси) ёқасида жойлашган маҳалламиз бурунги замонда «Қирқ бир боғ» деб аталаркан, унинг ҳозирги номи «Иттифоқ». Биз ростдан ҳам иноқ яшаймиз. Маҳалламизга ундан анчагина қаламкашлар чиққанидан «Мақола» деб аталадиган тор кўчадан кириб борилади.

Замона зайли билан бундан бир неча йил аввал маҳалламизга, доим ифлос сув оқиб ётадиган анҳор бўйига бир водопровод жўмраги ўрнатилган эди. Анҳор суви сепишгагина ярайди, уни ичиш у ёқда турсин, ҳатто кир-чир ювишга ҳам қайнатиб қўрқа-писа ишлатамиз. Ичар сувимиз фақат ўша водопровод жўмрагидан онда-сонда оқиб турадиган тоза сув эди, холос.

Шу сув оқсаб-сиқтаб бўлса ҳам озмикўпми келиб турарди. Нима бўлдию, кейинги кунларда водопровод жўмрагимиз айниб, бир томчи сув бермай қўйди. Бутун бошли серхонадон маҳалла энди шу иссиқ кунларда сувга зормиз. Болачақа аллақаерлардан топиб келаётган водопровод суви урвоқ ҳам бўлмай, жуда қийналиб қолдик.

Биз шу ишда мутасаддиларнинг тез ёрдамига муҳтожмиз.

Маҳалла аҳли номидан:
НУРИТДИНОВ,
МИРЗАҲМЕДОВ,
КАМОЛОВА,
ИНОҒОМОВА.
Жами 30 имзо.

«Чуқурсой»нинг чуқурлари

ШУМИЛОВ темир йўл бекати билан Эски шаҳарни боғловчи 159-автобус хизматидан фойдаланувчилар кейинги вақтда Чуқурсойнинг чуқурларидан кўп ҳасрат қиладиган одат чиқариб олишди. Бунинг боиси бор, албатта. Темир йўл бекатининг маъмурий биноси жойлашган ердан ўтилгач, ўйдим-чуқур, нотекис йўл бошланади. Йўловчиларни қўйинг, автобус ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам бу ерга келганда юрак ҳовучлаб туришади. Негаки, шу атрофда бир-бирига яқин чуқурлар кўп. Ҳайдовчи эҳтиётсизлик қилса борми, салондагилар қалқиб кетиб жароҳат олиши ёки шикастланиши мумкин. Қолаверса, бу ердан ўтган автобусларнинг эҳтиёт қисми ҳам ишдан чиқмаслигига кафолат йўқ.

Чуқурсой ва унга туташ Қорасарой кўчасининг таъмирига эътибор қачон бўлади? Бу саволга жавоб топишга шу ерлик аҳоли ҳали ошиққанича йўқ. Негаки, кўча кўп йиллардан бери шундай аянчли аҳволда. Уни таъмирлашни, текислаб кемтик жойларини тўғрилашни ҳеч ким ўйламаяпти. Иш шу аҳволда кетаверса, яқин йиллар ичида кўчанинг юриб бўлмайдиган даражага келиб қолиши ҳеч гап эмас. Масаланинг бу томонини жиддийроқ ўйлаш зарур.

М. ҲАКИМОВ,
кекса темирйўлчи.

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

Чиқинди «эккан»лар нима ўради?

«АВТОДОРМЕХБАЗА» ахлаткашлари кутилмаган ташаббус билан чиқишди: «Марафон ўтказганимиз бўлсин!». Овозга қўйилдими ёки йўқми, номаълум, лекин юқоридан «ўтказилсин» деган розилик ҳам олинди. Кимдир имзо чеккан ёки буйруқ, фармойиш берилмаган бўлиши ҳам мумкин, лекин камида сукут, яъни розилик аломати бўлганлиги аниқ! Кимсан юзлаб машина кириб-чиқиб турадиган Чилонзор район «Автодормехбаза»си марафонга бел боғлайди-ю юқорида билишмайди деб ким айта олади! Юқоридан юқорироқда ҳам билишса ажаб эмас! Чунки, бу марафондан дод солиб қичқирганларнинг сони бор, саноғи йўқ. Уларнинг кўплари эрта тонгдан ишни телефон трубкасига ёлворишдан бошлашади:

— «Автодормехбаза»ми? Нима бало бўлган, машиналар тўрт ойдан буён гум бўлиб кетган? Қачон келади? Ахлатхоналар тўлиб, йўлаккача чиқиб кетди-ку! Ойда бир олинса ҳам майли эди!

— Сабр қилинг! Сабр туби сар олтин...

Қани ўша олтин? Яна телефон — балогардон!..

Лекин ҳамма бало марафонда! Чилонзор ахлаткашлари янги йилдан Халқлар дўстлиги кўчасидаги метронинг Ҳамза бекатида жойлашган 1, 2, 3, 4-уйлар ҳисобидан антиқа марафон бошлаб юборишди: мана тўрт ойдан ошдики, ахлат машиналари бу кўчани унутдилар! Марафон! Асосан метро ишчилари яшайдиган бу уйлар чекига мана шундай улуғ синов тушиб турибди, лекин бунга кўникмаган айрим уй соҳиблари додвой қилиб юришибди! Ахир «Автодормехбаза» бошлиғига ҳам осон эмас-да: бир томонда хўжалик ҳисоби, иккинчи томонда уйлар устига уйлар қалашиб тушмоқда, машиналар эса қалашиб келиб тургани йўқ, автопарк ўша-ўша, қийшиқ-қинғир машиналар эрта тонгдан тутун буриқситиб, тушга яқин базўр ётоғидан ўрмалаб чиқади, бир «ходка» қилар-қилмай, баъзан манзилга етиб боролмай, аро йўлда қолиб кетади. Бу машиналардан нима ҳам кутиш мумкин? Бироқ гоҳ хўжалик ҳисоби, гоҳ марафон, яна алланима бало ташаббуслар билан аранг жон сақлаб келинмоқда. Қолаверса, «тажриба» деган илмуҳунар ҳам бор: мана масалан, бу сафарги марафондан кузатилган «тажриба» ғоят чуқур, узоқни кўзлайди деса ҳам бўлаверади! Яъни беш қаватли уйларга мўлжалланган ахлатхоналар ҳажмини оширмай, кенгайтирмай, қўшимча маблағ сарф-харажат қилмай туриб, унинг сиғими қувватини рационал ошириш устида илмий-амалий тажриба-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва инчунун бундай йўналишдаги ишлаб чиқариш корхоналари (яъни «Автодормехбаза») учун методологик тавсиялар бериш ва ҳоказолар...

Ана шунақа, ахлат ташиш бош корхонаси метро ишчиларининг сабри-тоқати устида илмий-амалий тажриба-марафон олиб боришмоқда. Биз кўпинча ишчилар четга суриб қўйиляпти, деган дашномларни эшитиб туришимизга тўғри келади. Мана, марҳамат, Чилонзор марафонида биринчи меҳмон ким, ишчилар! Бундай марафонни яна қаерларда кенг қулоч ёздириш мумкин? Юнусобод, Қорақамиш, Шимоли-Шарқ даҳалари, Авиашаҳарча, Бошлиқ, Қорасув... ва яна бир талай даҳалар ҳам эстафета таёқчасини кутиб ўтирмаёқ тайёргарликни бошлаб юборишгани ҳақида асосли маълумотлар бор. Нега бу маълумотлар рўйхатида Марказ — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 ва Шелковичная кўчасидаги уйлар, коттежлар кўринмайди?..

Марҳамат, Чилонзорда ахлаткашлар марафонни давом эттиришмоқда. Ишчилар, оддий кишилар ҳамма нарсада кечиримли, андишали бўлишади. Бироқ уларнинг сабр-тоқати устида марафон ўтказиб бўлармикан? «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган мақол бор, ахлат «эккан»лар нима ўриши мумкин? Ишчи уйлари ва даҳаларидаги сон-саноқсиз «тажриба»лар ва «марафон»лар шамоли уни бамайлихотир кузатиб, сабр-тоқат тилаб турган мутасадди раҳбарлар томон эсиб қолгудай бўлса нима бўларкан? Шамолда хуш борми, эсса-эсаверади-да!

Фарҳод УБАЙДУЛЛАЕВ.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Этик ғавғоси»

«Бундан 1,5 ой илгари ўғлимга Бешёғоч бозоридаги оёқ кийимлар магазинидан 54 сўмлик калта қўнжли этик сотиб олгандим. Уни ўғлим атиги уч кунгина кийди», —деб ёзган эди оқшомхон С. Насриддинова «Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 26 апрель сонида «Этик ғавғоси» сарлавҳали мақоласида. Бу маҳсулот Андижон пойабзал фабрикасида ишлаб чиқарилган.

Мақола текшириб, чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Енгил саноат нозирлигига юборилган эди. Шу нозирликнинг кўнпойабзал ва чинни саноатини ривожлантириш Бош бошқармасининг бошлиғи Г. И. Мирзаянц имзоси билан олинган жавоб хатида, жумладан, шундай дейилади:

«Рўзноманинг шу йил 26 апрель сонида босилиб чиққан «Этик ғавғоси» сарлавҳали мақола Ўзбекистон ССР Енгил саноат нозирлигининг кенгайтирилган мажлисида ҳамда нозирлик қошидаги Бош бошқармада Андижон пойабзал бирлашмасининг раҳбарлари ва мутахассисларининг иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, бу фабриканинг ишида камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Унда маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш чоралари белгиланди. Фабриканинг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилдилар. Шу билан бирга ишдаги камчиликларни йўқотиб, пойабзал ишлаб чиқаришда технологик интизомни мустаҳкамлаш ва сифати паст маҳсулот чиқарган мутахассисларни жавобгарликка тортиш вазифаси юклатилди.

Пойабзал сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар орасида бошқа корхоналардан олинадиган кўн маҳсулоти, таг чармини ёпиштирадиган елим ва бошқа ёрдамчи, керакли материалларнинг сифатини назорат қилишни кучайтириш ҳам кўзда тутилган. Сифат кунлари ва ҳафталикларини мунтазам ўтказиб туришга бундан буён эътибор кучайтирилади. Шу билан бирга бу йил ва 1991 йилда фабрикада маҳсулот сифатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш имконини берадиган янги ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўйлаймизки, бу амалга оширилаётган ва келгусига мўлжалланган ишлар Андижон пойабзал фабрикаси ва бошқа жойларда чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Бу ишларнинг фабрикаларда қандай амалга оширилаётгани эса Бош бошқарма мутахассислари томонидан муттасил назорат қилиб борилади».

Эътиқод бутун бўлса

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Хўш, олимларимиз олдида қандай вазифалар турибди?

— Афсуски, съездда олимларга сўз берилмади. Аммо олдимизга катта вазифалар қўйилди. Ёш, истеъдодли олимларни излаб топиш, уларни ўстириш кун тартибига асосий масала қилиб қўйилди. Бизга олимларнинг сони эмас, сифати керак. Шу пайтгача фалонча олимимиз бор, деб мақтаниб келдик. Аммо улар қандай наф келтираётганини ўйлаб кўрганимиз йўқ. Менимча қилинган ишлар олимлар сони билан эмас, уларнинг фан учун, ҳаёт учун берган самараси билан белгиланади. Очиғи, бу масалада кериладиган жиддий ютуқларимиз йўқ.

Яна бир муаммо — фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани яхшилаш масаласи. Бу соҳада ўйлаш керак бўлган кўп муаммолар бор. Биринчиси илмий-тадқиқот ишларининг якунларини ишлаб чиқаришда бевосита қўллаш. Бу борада баъзи ишлар қилинган эди. Жумҳурият Фанлар академиясининг вилоятларда бўлимлари, лабораториялар очилди. Лекин биз кутган натижа бўлмади. Хўжакўрсинга иш юритиш услуби яна ўзини кўрсатди. Агар илмий-тадқиқот маъхадларининг масъулиятини оширмасак кутилган натижага эришолмаймиз. Бунинг учун мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан янгилаш даркор. Ҳозир ҳам кўп корхоналар режа кетидан қувиб фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жиддий ўйлашмаяпти. Бу эса шу корхонанинг фан томон бурилишига тўсқинлик қилаётир. Мен шу пайтгача на қишлоқ хўжалик соҳасидаги, на саноат соҳасидаги раҳбарларнинг илмий ташкилотларга келиб ёрдам сўраганларини кўрганим йўқ. Унинг устига ушбу маъхадларнинг техникавий базаси жуда ёмон. Бу борада иттифоқда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибмиз. Кейин олимларимизга тўланадиган иш ҳақи улар бераётган самарага қараб белгиланиши зарур. Ривожланаётган мамлакатлар бу борада тўпланган тажрибадан биз ҳали тўла фойдаланганимиз йўқ.

Яна маънавий-маданий ривожланиш йўлида ҳам олимлар зиммасига кўп вазифалар қўйилди. Шулардан бири ўтмиш меросимиздан оқилона фойдаланиш. Ўтмиш меросга қандайдир сунъий қолип асосида ёндошмаслик керак. Маданиятга, муносабатда энг катта мезон холислик, одиллик ва ҳаққонийлик. Партиявийлик ва синфийлик, деган ғоялар ҳам мана шу мезон орқали ҳаётга йўл олиши шарт. Агар партиявийлик ва синфийликни қалқон қилиб оқни қора десак, бор ҳақиқатдан кўз юмсак, бу ҳол маънавий камолатга хизмат қилмайди. Ҳозир маданият ва санъат ходимларининг кўплари сиёсатчи бўлиб кетишяпти. Бу ҳам керак, албатта. Етук сиёсий маданиятга эга бўлмаган одам ўз соҳасида бирон жиддий иш қилолмайди. Лекин сиёсий-ғоявий эътиқодга бўлган интилиш амалпарастлик, шахсий ғаразларга боғланган бўлмаслиги лозим. Балки ижодий баркамолликка хизмат қилсин. Афсуски, турли сиёсий ғоялар таъсирига берилиш маданий, ижодий камолатда ўз ифодасини топаётгани йўқ. Мана шуларнинг ҳаммаси асосий масала сифатида съезд кун тартибига қўйилди.

— Олим, ҳам коммунист сифатида Сизни ўйлантираётган муаммолар, режалар?

— Мен 32 йилдан буён КПСС аъзосиман. Мана шундай оғир вазиятда партияни қўллаб-қўлтиқлаш, партиявий-ташкилий ишларни яхшилашда ўз ҳиссамни қўшишни бурчим, деб биламан. Ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўз эътиқодимдан воз кечган эмасман. Ҳамма нарсага очиқ кўз билан, холисона ёндошишимиз керак. Албатта, партиямизнинг 70 йиллик фаолияти жуда мураккаб даврни ўз ичига олади. Бу даврда ютуқлар ҳам бўлди. Улардан ҳеч ким кўз юма олмайди. Ўтмишни қоралаш авж олган ҳозирги даврда бу ҳақиқатни биз айтмасак ҳам бутун дунё яхши билади. Агар Ўзбекистоннинг шу йиллар ичида босиб ўтган йўлини холисона таҳлил қилсак ютуқларимизни ҳам кўрамиз. Бироқ келажак ҳақида ўйлаш ўтмишдан кўз юмиш эмас. Балки унинг сабоқларини ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади. Тарихимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни очиқ айтмасак, хатолар яна такрорланиши мумкин.

Жиддий ўйлашимиз зарур бўлган биринчи масала бу кўп партиялилик масаласидир. Кўп партиялиликдан қўрқиш керак эмас. Қайтанга бу имкониятдан фойдаланиш йўлларини излаш керак. Биргина партия мавжуд бўлган тақдирда субъективизм ва волюнтаризмнинг келиб чиқишига имконият каттароқ бўлади. Ўтмишдаги кўпгина хатоларимизнинг сабабларидан бири ҳам шу. Биз илгари бир одамнинг оғзига қарашга ўрганиб қолгандик. Биринчи раҳбар нима деса, «тўғри», деб жар солдик. Унга танқидий қарашга ўрганмадик. Бу эса партия ҳаётидаги ички демократия фақат қуруқ шиор бўлишига олиб келди. Оқибатда ғафлатда қолдик, катта раҳбарларнинг манмансирашига, ўзларини ҳақиқатнинг ягона соҳиби деб тушунишларига йўл қўйдик. Раҳбар фикрига қарши фикр билдириш хатогина эмас, жиноят, деб қаралди. Бу ҳолатдан ҳали ҳам тўла чиқиб кетганимиз йўқ.

Агар жамият ҳаётида битта партия бўлса, биз демократия ва ошкоралик ҳақида қанча кўп гапирмайлик эски иллатлар яна ҳам жонлана бошлайди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизни оғир аҳволдан қутқариш учун оқилона фикрлар, сиёсий иқтисод тараққиёти ҳақидаги турлича ғоялар керак бўлиб қолди. Ва бу ғояларни таҳлил қилмоқ, турлича қарашларни солиштирмоқ ва уларнинг ижобий томонларини уйғунлаштириш орқали қайта қуриш муаммоларини ҳал этиш мумкин. Шунинг учун ҳам кўп партиялилик тузумни келажак тараққиётимиз оқилона амалга ошишига имконият берадиган йўллардан бири, деб қарайман.

— СССР Конституциясининг 6-моддаси хусусида ҳали ҳам баҳслар бўлиб турибди, бир-бирига қарама-қарши турли фикрлар билдириляпти...

— Биз эскича фикрлаш ҳақида кўп гапирдик. Лекин эскича фикрлаш услубидан қутулолганимизча йўқ. Ўтган бир йил давомида СССР Конституциясининг 6-моддасига билдирилган турли фикрлар ҳам бунинг яққол далилидир. Кўп партиялилик даврида ҳам барча сиёсий кучларнинг мақсади бир нарсага — демократик-социалистик жамиятни тиклаш орқали халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини яхшилашга қаратилмоғи даркор. Мен монархизмни тиклашни ёқлаб, шовинизм ва миллатчилик ғоялари билан суғорилган фикрларни маъқуллай олмайман. Съездда албатта КПСС Ҳаракат дастури билан Демократик ҳаракат дастури ўртасида қатта кураш бўлади. Лекин гап улардан бирини оқлаб, иккинчисини қоралаш устида бормаслиги керак. Мен Демократик Ҳаракат дастури тарафдори бўлган кўп кишиларни биламан. Улар орасида чиройли сўзлашга жуда уста, бироқ амалда ишни уддалай олмайдиганлари ҳам бор. Баъзилари ҳавойи ваъдалар бериб, бутун ўтмишни қора бўёққа чаплаб, сиёсий маданияти етук бўлмаган омма ўртасида обрў қозониб олдилар. Мабодо жамиятимиз тақдири шулар қўлида қолиб кетса аҳволимиз янада танглашади. Минг афсуски, халқ оқни қорадан ажратиб олишига ҳали анча вақт керак. Бу давр ичида адашишлардан ташқари йўқотишлар ҳам бўлади. Биз демократик централизм ҳақида ҳам чуқур ўйлаб кўришимиз шарт. Шу вақтга қадар бизда централизм бўлди, аммо демократия бўлмади. Вазиятдан қатъий назар мансабдор шахсларнинг айтгани айтган бўлиб келди. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада қуйи партия ташкилотларининг мустақил ишлашига кенг йўл очиб бермоқ зарур. Бундан ташқари партиянинг умумий тузилиши ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Шу пайтга қадар Коммунистик партия битта, жумҳурият партия ташкилотлари эса унинг таркибий қисми, деб қаралар эди. Энди барча жумҳуриятлар партия ташкилотларига тўла мустақиллик берадиган вақт келди. Уларнинг КПСС Дастури ва Уставига мос келадиган ўз Дастури ва Уставлари бўлсин. Партиянинг номи ҳам, партия марказий органларининг номи ҳам ўзгартирилиши керак. Масалан, Совет федерацияси Коммунистик партиялари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Марказий Комитет, дейилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Социалистик ва социал-демократик партияларнинг фаолиятига ҳам оқилона ёндошиш зарур. Шу вақтга қадар уларга ревизионистлар, догматиклар, ишчилар синфига хиёнат қилувчилар, деб қоралаб келдик. Уларнинг тажрибасига очиқ кўз билан қарашга журъат этмадик. Ҳаёт уларнинг тажрибасида ҳам кўпгина ижобий томонлар борлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун Ғарбдаги социал-демократик кучлар фаолиятини ўрганмоқчи бўлганларга тўсқинлик қилмаслик лозим. Биз аввало адолатли социалистик жамиятни қуриб, унда узоқ яшашимиз даркор. Биз ҳали бундай жамият қурганимиз ҳам, унда яшаганимиз ҳам йўқ.

— Дарҳақиқат, партия ҳозир қийин даврни бошидан кечиряпти. Баъзи одамларда унга ишончсизлик пайдо бўлган. Ҳатто анча йиллардан бери партия аъзоси бўлганлар ҳам унинг сафидан чиқишяпти. Аҳволнинг шу даражага етишига қайси иллатлар сабабчи, деб ўйлайсиз. Ва партиянинг обрўсини тиклаш, мавқеини кўтариш учун аввало нималар қилиш даркор?

— Албатта ҳозир маълум кишилар КПСС сафидан чиқишяпти. Лекин менимча партия сафига кираётганлар улардан кўпроқ. Партиянинг кучи сонида эмас, бирлигида, ғоявий етуклигида, мақсадлари аниқлигидадир. Агар унга шахсий манфаатлар ёки мансаб учун кириб, ундан чиқсалар, бундан хурсанд бўлмоқ керак. Партия маълум сиёсий эътиқоди мустаҳкам кишиларнинг йиғиндисидан иборат бўлмоғи керак. Партия сиёсатидан норози бўлганлар ундан чиқиб бошқа партия ташкил қилишлари мумкин. Бироқ мураккаб вазиятда унинг фракцияларга бўлиниб кетишига, шахсий манфаатлар билан боғланган кураш майдонига айлантириш мумкин эмас. Ҳозир партия учун катта синов даври. Бу синовдан мустаҳкам бўлиб чиқиб кетади, деган умиддаман.

— КПСС XXVIII съездида Сизга сўз беришса қайси масалалар хусусида гапирган бўлардингиз?

— Аввало сўз олишга ҳаракат қиламан. Мақсадимга эришсам партия бирлигини мустаҳкамлаш тўғрисида, ундаги фикрлар якка ҳокимлигига қарши курашиш тўғрисида, жумҳуриятлар партия ташкилотларининг мустақиллигини таъминлаш зарурлигини гапираман.

— Бўлажак съезд ҳақида суҳбатлашяпмиз-у, хаёл беихтиёр олдинги — XXVII съездга кетди. Унинг бўлиб ўтганига ҳам тўрт йилдан зиёд вақт ўтибди. Бу йиллар халқимиз учун ҳам, партия учун ҳам осон кечгани йўқ, албатта. Сиз ана шу даврни қандай баҳолайсиз?

— Бу даврни жуда мураккаб давр, деб ҳисоблайман. Бу даврда социализмни такомиллаштириш тўғрисида кўп гаплар бўлди. Кўп гаплар бўлди-ю, унинг аниқ йўлларини кўрсатиб берганимиз йўқ. Кўпгина тадбирлар шошмашошарлик билан бошланди ва охирига етказилмай қолиб кетди. Бу эса халқнинг қайта қуришга бўлган ишончини мустаҳкамламади. Биз партия ҳаётидаги, жамиятимиздаги кўпгина касалликларни очиб ташладик. Уларни даволаш учун фақат дори эмас, жарроҳ ҳам керак бўлиб қолди.

— Ана шу қийин даврда партия сафига кирган, унинг мавқеини тиклашга тайёр турган коммунистларга тилакларингиз?

— Ҳар қандай вазиятда ҳам тушкунликка тушмаслик, келажакка ишонч ва эътиқод билан қараш, ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишда вазминлик билан, узоқни кўриб, жамиятдаги мавжуд имкониятларни ўрганиб ишга ёндошишларини тилайман. Ҳозирги давр ёш коммунист учун ибратли ва чиниқиш даври бўлди. Улар ғафлат уйқуси даврини четлаб ўтиб, ҳаётга очиқ кўз билан қараш даврида шаклланмоқдалар. Бу эса ғоявий камолат ва эътиқод чиниқишида катта роль ўйнайди. Эътиқод бутун бўлса, ҳар қандай синовга дош бериш мумкин.

Суҳбатни
Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ
ёзиб олди.





ЭСДА ҚОЛАДИГАН ЛАҲЗАЛАР

Суратли репортаж

ТОШКЕНТ вилоятининг Оржоникидзе районида хушманзара жойлар жуда кўп. Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси касаба уюшмасининг Ленин номидаги пионерлар лагери ҳам шу ҳудуддаги сўлим бир гўшага жойлашган. Айни саратон кезларида эрталабдан то кечга қадар бу ерда болакайларнинг шўх кулгуларини эшитасиз. Салкам 60 йилдирки бу лагерь пионер ва ўқувчиларнинг ёзги таътили пайтида ҳордиқ чиқарувчиларни ўз бағрига олади.

Бу гал биринчи сменада 600 та бола мароқли ҳордиқ чиқарди. Мароқли дейишимизнинг боиси шундаки, бу ерда ўтказиладиган тадбирлар пухта ўйланган режа асосида амалга оширилади. Шу боисдан болалар рақсларга тушадилар, асфальтларга расмлар чизадилар, отряд қўшиқларини ижро этадилар, спортнинг кўпгина турлари бўйича бири-биридан қизиқарли мусобақаларни ўтказадилар. Завқли саёҳатлар ва экскурсияларни айтмайсизми? Бу ерда ишлаб турган тўгарак машғулотлари ҳам пионер ва ўқувчиларга жуда манзур бўляпти. Тўгарак раҳбари Л. М. Ҳафизова пионер ва ўқувчиларнинг ёши, қизиқишига қараб уларга бичиш-тикиш сирларини сидқидилдан ўргатади.

Мана бу болакайлар эса мусиқа шайдоларидир. Чиндан ҳам дарахтлар барги қуюқ соя ташлаган жойларда ўз севган қўшиғинг ва куйингни ўзинг ижро этганга нима етсин? Ана шунда сен санъатнинг сеҳрли оламидан яхшигина хабардор бўласан.

Қўлларига ҳалқалар ушлаб рақс тушиш сирларини ўрганаётган болалар тўгарак раҳбари Галина Владимировна Новгородовадан чексиз миннатдор бўлмоқдалар. Улар лагерга келиб спорт рақсининг бир қанча нозик томонларини мукаммал ўрганиб олдилар.

Ҳа, темирйўлчиларнинг фарзандлари мароқ билан ҳордиқ чиқараётган ушбу лагерда болаларнинг ёзги таътилларини кўнгилли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қўли ширин ошпазлар тайёрлаётган мазали таомлар уларга манзур бўляпти, лагерда ўтказилаётган ранг-баранг маросимлар болаларнинг эсида қоладиган ажойиб лаҳзаларига айланмоқда. Биринчи сменада 600 дан зиёд болалар 23 та отрядга бирлашиб, ўз таътилларини мароқли ўтказган бўлсалар, келгуси ойларда ҳам яна 1200 дан зиёд пионер ва ўқувчиларнинг бу ерда дам олишлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Болаларнинг ёшлигида эсида қоладиган лаҳзалар айниқса мароқли бўлади. Буни биз лагерда дам олаётган пионер ва ўқувчилар билан бўлган суҳбат чоғида ҳам чуқур англадик. Жамоатчи суратчимиз Равиль Альбеков олган ушбу лаҳзаларни кўрган ҳар бир болакай шундай сўлим оромгоҳларда маза қилиб дам олиш ҳаракатига тушади. Бу борада биз ёш дўстларимизга омад тилаймиз, ёзги таътил кунларингиз мароқли ва мазмунли ўтсин, деб истак билдирамиз.

С. БОТИРОВ.



«Ниҳол»нинг нишоналари

Жамшид Шарипов физика фанидан бўлган имтиҳондан «беш» баҳо олиб, Тошкент политехника институтининг ўзи хоҳлаган радиоэлектроника факультетига кириш учун замин тайёрлади. Олдинда эса конкурс... У бунга қандай эришди?

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги, жумҳурият Фанлар Академиясининг электроника илмий-текшириш институти, «Ниҳол» республика илмий маркази ва бошқа ташаббускор ташкилотлар миллий кадрларни маълум мутахассисликлар бўйича касбга йўллаш мақсадида физика фанини чуқур ўргатадиган махсус бўлим очган эдилар. Машғулотларни олий ўқув юртларининг малакали ўқитувчилари У. Расулов, С. Худойбердиев, Ф. Умаров, ўрта мактаб муаллимларидан М. Валиева, Ҳ. Баҳовуддинова ҳамда З. Абдураҳмоновалар олиб боришди.

Пойтахтимиздаги 113-мактаб қошида очилган мазкур бўлимни яқинда 23 нафар тингловчи битириб, ҳоҳлаган соҳалари бўйича олий ўқув юртларига йўлланма олдилар. Уларнинг асосий фандан олган баҳолари аттестатдагиларига қўшилиб имтиҳон варақасига ёзилади.

Сув чучуклаштиргич

«Физика — Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг физика-техника институти мутахассислари ишлаб чиққан «Рўзғор чучуклаштиргичи» шўрлашиб қолган, минерал моддалар аралашмалари керагидан ортиқ бўлган ва заҳарли химикатлар билан заҳарланган манбалардан олинган сувни катта харажатларсиз тоза чучук сувга айлантиришга ёрдам беради. Бундай қурилма кунига уч литр сувни тозалаб бериши мумкин.

Чучуклаштиргичларнинг тажриба туркумини ишлаб чиқаришни Ўзбекистон металлургия заводи ўз зиммасига олди. Завод билан бундай шартномани ишланманинг мутасаддиси бўлган Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Тошкент вилоят кенгаши тузди. Бу ташкилот янгиликни ўзлаштиришда корхона қилган ҳаражатларни қоплайди, чучуклаштиргичлар сотилаётганда эса тушадиган даромаддан ўз улушини олади.

(ЎзТАГ).

Китоб жавонингизга

ТИРИКЛАРНИ ҲАМ, ҲАЛОК БЎЛГАНЛАРНИ ҲАМ УНУТМАЙЛИК

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони зирҳли танк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Ленин орденли Тошкент танк командирлари олий билим юрти байналмилалчи жангчиларига бағишланган туркумдан дастлабки очерклар тўплами босмадан чиқди. Билим юрти ўқитувчилари унинг тузувчилари ва муаллифлари бўлишди. Биринчи тўпламда улар ўз хизматдошларининг жасоратлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Учта Қизил Юлдуз ордени нишондори С. К. Бекин, Қизил Юлдуз ордени нишондори В. В. Певцов ва бошқа кўпгина жангчилар шулар жумласидандир. Афғонистон улар учун жасорат, жанговар тажриба мактаби бўлди. Бу ерда улар сиёсий камолатга эришдилар, аввало қўл остидагилар, ўртоқлари тўғрисида, шундан кейингина ўзлари ҳақида ўйлашни ўргандилар. Айни шу фазилатлар ҳозир бўлажак танкчи-командирларни тарбиялашда уларга жуда қўл келмоқда.

Билим юртида Афғонистонда ҳалок бўлганлар хотирасини эъзозлашади. Туркумда чиқадиган тўртта тўпламнинг бири билим юртининг Афғонистонда ҳалок бўлган битирувчиларига бағишланади.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Енгил ва қулай пойабзаллар



Болаларга қандай пойабзалларни харид қилган маъқул? Албатта енгил, қулай ва пишиқ пойабзалларни-да.

Болаларнинг товон томони очиқ, ёрқин бўёқли ёзлик туфлилари ана шу талабларга жавоб беради. Бу пойабзалнинг енгиллиги ва пишиқлиги қолипга чўзилмай тортилиш усули билан таъминланади. Улар учун қолипларнинг панжа қисми торроқ янги кўриниши қўлланилади.

Австриядан келтирилган дастгоҳда, шунингдек, таглиги полиуретан кроссовка шаклидаги болаларнинг пойабзаллари ҳам тикилади.

Мазкур пойабзаллар сотиш учун ихтисослаштирилган магазинларга ва йирик савдо корхоналарига етказиб берилади.

ЯНГИЙЎЛ ПОЙАБЗАЛ БИРЛАШМАСИ.

«ОРБИТА—СЕРВИС» ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕХНИКА МАРКАЗИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Мабодо сиз 1989 йилда рангли ёки оқ-қора тасвирли телевизор сотиб олган бўлсангизу фирмали техника хизмати бўйича бизнинг мутахассисларимиз хизматидан фойдаланмаган бўлсангиз, қисқа вақт ичида 54—24—57 телефони орқали ёки Сапёрлар кўчасидаги 6-уйга мурожаат этиб (соат 10.00 дан 18.00 гача) буюртма беришингизни таклиф қиламиз.

Техника марказимизнинг малакали мутахассислари сиз учун қулай вақтда телевизорингизни яхшилаб текшириб, созлашади ва ундан фойдаланиш юзасидан тавсиялар беришади. Бундан ташқари 5-программа орқали Қозоғистон кўрсатувларини қабул қилиш учун СКД мосламасини ўрнатишади.

Агар сиз телевизорингиз узоқ вақт хизмат қилишини, унинг тасодифан ўт олиш хавфини камайтиришни истасангиз

«ОРБИТА-СЕРВИС» ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕХНИКА МАРКАЗИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

«Орбита-сервис» Тошкент шаҳар техника маркази.

ҚИШДА—ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Агар сиз ёзда сабзавот ва меваларни консервалаб қўйсангиз қишда ҳам дастурхонингиз ёз неъматлари билан тўкин бўлади.

Уй шароитида консервалаш учун зарур металл қопқоқларни (бир донасининг нархи 3 тийин) сиз Тошкент хўжалик моллари савдо ташкилотининг барча магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.



Тошкент хўжалик моллари савдо ташкилоти.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.



⊙ СТАТИСТИКАНИНГ тасдиқлашича қараганда, Тошкентдаги балоғатга етмаган ёшлар қабулхона-тақсимлагичига келтирилаётган «саёҳатчилар» сони йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Милиция ходимлари вокзалларда, қўнимгоҳларда, уйларнинг ертўлаларида ушланган ўғил ва қиз болаларни шаҳарнинг турли бурчакларидан шу ерга олиб келишади. Уз оёғи билан келиб ёрдам сўровчилар ҳам бор.

Бу ерга келтирилаётган болаларнинг аксарият қисми қочоқлар ташкил этади. Улар Шарқин ўз кўзлари билан кўриш учун, саргузаштларни изламоқда бошқа республикалардан ташриф буюрадилар. Оилавий муаммолар туфайли қочганлар ҳам бор. Уларнинг тахминига кўра, Тошкентда ҳеч ким очдан ўлмайди. Учинчи тонфадагилар, булар асосан ўқувчилар, катта шаҳарда адашиб, ота-оналарини йўқотиб қўйишган.

СУРАТДА: мана бу болаларнинг Тошкентга саёҳати тугади, деса ҳам бўлади.

В. Миленький (ЎзТАГ) сурати.

⊙ **Маълумки, ҳар йили апрель ойидан бошлаб Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси томонидан «Қора дори» операцияси ўтказилади. Бу йил тадбир қандай олиб борилди? Мухбиримиз шу ҳақда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг профилактика хизмати бўлими бошлиғи Шарифхон Умархонов билан суҳбатлашди.**

— Шу йилнинг ўтган 4 ойи давомида 259 киши гиёҳванд дориларни сақлаётгани ва сотаётганида қўлга олинди. Ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда анча қўпдир. Тортиб олинган қора дориларнинг умумий миқдори 50 килограмму 464 граммни ташкил қилади.

Қонунга хилоф равишда қора дориларни сотаётганида қўлга олинган 27 кишига нисбатан жиддий иш қўзғатилди.

— Шарифхон Умархонович, ўша тортиб олинган гиёҳларнинг таркиби қандай?

— Булар асосан гиёҳвандлардан ва уларни тарқатувчи жиноятчилардан мусодара қилиб олинган қўкнори, наша ва бошқа наркотик моддалардир. Энди у гиёҳлар одамларни заҳарлаш учун эмас, балки беморларни оёққа турғазишга хизмат қилади.

— Бу «дорилар» қаерда ўстирилади?

— Улар шаҳарнинг қўш илғамас кенгликларида, шунингдек, шаҳардаги баъзи уйларда ҳамон яширинча наша ва қўкнори каби гиёҳванд ўсимликлар ўстириляпти. Буни маҳалладаги кишилар билиб ўзларини билмасликка олиб юрибдилар.

Биргина шу йилнинг ўзида 462 квадрат метр жойдаги ёввойи наша ўсимликлари милиция ходимлари иштирокида пайҳон қилиниб, таг-туги билан йўқ қилинди. Бу ишларга на шаҳар санитария-эпидемиология станцияси, на жойлардаги маҳалла фаоллари бош қўшдилар.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бисотида бор бўлган қора дори ёки гиёҳларни ўз ҳоҳишлари билан топширган кишилар қонунга кўра жазодан озод қилинадилар. Аммо ҳали бирор бир кимса ўз ҳоҳиши билан бу ишни қилганича йўқ.

Қилмиш-қидирмиш

ҚОРА ДОРИ СОТГАНИ УЧУН

— Сиз хизмат қилаётган бошқарма ходимлари томонидан фош қилинган гиёҳвандлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Шу йилнинг 18 февраль куни Қирғизистоннинг Фрунзе шаҳридан Тошкентга келган А. П. Рўземетов ўзи билан 10 килограмм тез таъсир қилувчи қора дорини Ҳамза районидаги Октябрь 10 йиллиги кўчасида олиб кетаётганида бошқарма ходими Исаев ва Жонғозиевлар томонидан қўлга олинди.

Яна бир мисол. 1 февраль куни шаҳримизга Жанубий Сахалин шаҳридан келган меҳмон Тен Сун Ен 5 килограмм қўкнорини Ленин районидаги почталардан бирига беркитиб қўйгани бошқармамиз ходимларига маълум бўлди. Аммо у қўкнори билан кашандаларни заҳарлашга улгура олмади. Жиноят қидирув ходимлари Аҳматхўжаев ва Абировлар гувоҳлар иштирокида Тен Сун Ени жиноят устида қўлга туширишди.

Гиёҳвандликка қарши кураш нафақат бизнинг жумҳуриятимизда, балки ҳамма жойда олиб борилмоқда. Шу сабабдан ўтган 1988 йилнинг июль ойида шаҳримиз Тошкентда Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия ва мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги вакилларининг гиёҳвандликка қарши кураш бўйича халқаро учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда гиёҳвандликка қарши биргалашиб курашиш йўллари келишиб олинди. Қолаверса, гиёҳвандликка қарши кураш биргина ички ишлар ва милиция ходимларининг иши бўлиб қолмай, балки ҳар бир софдил кишининг виждон бурчи бўлиб қолмоғи керак. Ана шундагина бу иллатга чек қўйилади.

Суҳбатдош М. КОМИЛЖОНОВ.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 28 июнда чиқади.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАЭКВОН-ДО ФЕДЕРАЦИЯСИ (ВТФ) ПУЛЛИ ШЎЪБАЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотларни федерациянинг халқаро классдаги энг яхши тренер-конструкторлари олиб борадилар.

Шўъбаларга ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача қуйидаги манзилда ёзилиш мумкин. Тошкент шаҳри, Високовольтний даҳаси, «Теннис саройи».

39-43-27 телефони бўйича маълумотлар олиш мумкин.

СЕРГЕЛИЛИКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Тошкент шаҳар Советининг 1990 йил 6 апрелдаги «Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қатнашчилари ва бошқа имтиёзли контенгентга савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш тўғрисида»ги 157/6-сонли қарорини бажара бориб, бирикиб қўйилган контенгентга савдо хизматини кўрсатишини яхшилаш мақсадида ойига 4 кг, шу жумладан 2 кг лаҳм гўшт ҳисобидан гўшт маҳсулотлари билан савдо хизмати кўрсатиши учун:

пенсия олмайдиган қариялар,

4 та ва ундан кўп фарзандли оилалар

ҚЎШИМЧА ТАРЗДА БИРКИТИБ ҚЎЙИЛАДИ.

Мазкур шахсларга Сергели ноҳия озиқ-овқат савдоси ташкилотига қарашли 1-магазин савдо хизмати кўрсатади.

Магазиннинг иш тартиби: дам олиш кунисиз, соат 8 дан 20.00 гача, танаффус 14 дан 15 гача.

Манзили: Йўлдош шаҳарчаси, Марказ-3, 1-уй.

Транспорт: 40, 75-автобусларнинг «Бозор» бекати.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Сиз Сергели ноҳия озиқ-овқат савдоси ташкилотининг ташкилий бўлимига — 58-99-74 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Сергели ноҳия озиқ-овқат савдоси ташкилоти.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

СССР — ШВЕЙЦАРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ «ИНФОМЭКС» ФИРМАСИ АМАЛИЙ РУҲШУНОСЛИК ВА СОЦИОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Хўжалик раҳбарларининг бошқарув ваколатини диагностикалашнинг замонавий технологияси (бу нарса Сизга резервларни саводли тарзда шакллантиришда ёрдам беради) учун.

Хўжалик раҳбарларини ўқитишнинг фаол қўринишларини қўллаган ҳолда бошқарув ваколати ва бошқарув маслаҳатини диагностикалаш элементлари билан **«Бошқарув ечимлари билан мувофиқлаштириш технологияси»** курси бўйича ўқитиш системаси учун

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ НАТИЖАДА КУРС ТИНГЛОВЧИЛАРИ:

— ечимларни топиш жараёнини такомиллаштириш;
— ўз ташкилотининг қандай ўзгаришларга муҳтожлигини аниқлаш ва бу ўзгаришларни ҳаётга тадбиқ этиш;
— таклифлар ва ғояларни тўғри баҳолаш;
— муаммоларни ҳал қилишнинг бирмунча такомиллашган усулларини эгаллаш;
— зарур бошқарув ўз коммуникатив кўникмаларни мустақил ишлаб чиқиш

ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАДИЛАР

Исталган турдаги шахсий ва турғун электрон ҳисоблаш машиналари учун бошқарув кадрларини баҳолашнинг компьютерли системаси кадрлар заҳираси (потенциали) билан ишлашни янги босқичга кўтариш имконини яратади.

Тегишли ишларнинг муфассал баёнига буюртмаларни 77-65-83, 75-11-07, 56-29-69 телефонлари орқали буюртириб олишингиз мумкин.

Ўзбекистон фуқаро авиация бошқармасининг ТАЪМИРЛАШ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

алоҳида фуқароларга ёки фуқаролар гуруҳига

асосий иш жойида вақтинча қўли бўшроқ бўлган пайтда ёки ишдан ташқари бўш вақтларда, ё бўлмаса меҳнат истироҳат даврида

2-қўйлиқ даҳасидаги Ким-Пен-Хва кўчаси бўйлаб қад кўтараётган 32 хонадонли турар жой биноси қурилишида шартнома бўйича ғиштин девор ичини сувоқ қилиш ишларини бажаришни таклиф этади.

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Ишларни муддатидан олдин бажарганлиги учун 40 фоизгача ҳажмда мукофот тўланади.

Материаллар бор.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, аэропорт, 86-уй.

Телефонлар: 55-48-57, 99-88-97.

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТРЕСТИНИНГ

2-механизациялаштирилган колоннасига

бульдозер, сурғичли экскаваторларнинг машинистлари, автокран ҳайдовчилари, сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, монтажчилар, қурилиш бошқармаси усталари, механиклар

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай.

Маълумотлар учун — Тошкент вилояти, Янгийўл ноҳияси, Гулбаҳор қишлоғи, Чирчиқ кўчаси, «Ташкентводстрой» қурилиш-монтаж трестининг 2-кўчма механизациялаштирилган колоннасига мурожаат қилинсин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими Бош бошқармаси
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлигининг «Ўзэлектромонтаж» ихтисослашган трести негизидаги

7-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртн қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ёруғлик тармоқлари ва ёритиш бўйича электр монтажчи, электр қувватн йўналишини ўзгартиришнинг иккиламчи занжирлари бўйича электр монтажчи, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматиканн тузатиш бўйича слесарь, фильмнн текширнш ишнн бажара оладиган киномеханик, қўлда электр ёйн ёрдамида пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, металл конструкцияларини йиғувчи-слесарь, боғлардагн аттракцион ускуналарини тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик.

Ўқиш муддати — 9-синф маълумоти билан 3 йил, 11-синф маълумоти билан 1 йил;

Видеотехниканн тузатиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича механик, ўйнн автоматларн ва компьютер техникасини тузатиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича механик.

Ўқиш муддати — 11-синф маълумоти билан 2 йил.

11-синфни битириб ўқишга кирган ёшлар ойига 30 сўм миқдоридаги стипендия билан таъминланадилар, 9-синфни битириб келганлар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар. Билим юртини муваффақиятли тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот ва касбга эга бўлганликлари тўғрисида диплом оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган, 11-синф маълумоти билан электр монтажчи ва электр пайвандчи ихтисослари бўйича ўқишга кирганлар 6,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар — гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Билим юртидаги ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида ётоқхона йўқ.

Техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт шўъбалари ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан ва тиббий (286-сонли намунадаги) справкалар, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика.

Манзилимиз: 700022, Тошкент шаҳри, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 3, 32, 33, 34, 40, 45, 57, 58, 79, 80, 99, 182-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Телефон — 53-31-21.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); ишаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёг-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.



Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларининг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар И. Ганди номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясида жойлашган манший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3; 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар детелларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

26 ИЮНДАН 2 ИЮЛГАЧА ФАҚАТ 7 КУН

Халқ табиби, «Айес» табобат уюшмасининг Президенти СССР экстрасенслар уюшмасининг вице-президенти. ЭКСТРАСЕНС КАРЕН ЕМЕНДЖЯННИНГ ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИ

Дастурда — коинот биоқувватларини ишга солинган ҳолда даволаш-соғломлаштириш биосеанслари, организмнинг биоэнергетик мусаффоланиши.

Ошқозон-ичак йўли, юрак-қон томир хасталиклари, моддалар алмашинувининг бузилиши, остехандроз, бел оғриқ, буйраги ва ўт пуфагида тош йиғилиб қолган беморлар, нафас йўллари касалликлари билан оғриган беморларда самарали даволаниш аломатлари кузатилади.

Шифо самараси намоён бўлиши учун 7 та сеанс қабул қилиниши керак.

Бошқа хасталиклар билан оғриган беморлар қабул қилинмайди.

СЕАНСЛАР 30 МИНУТ ДАВОМ ЭТАДИ ВА ҚУЙИДАГИ ВАҚТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

соат 15.00 дан — 15.30 гача,
соат 16.00 дан — 16.30 гача,
соат 17.00 дан — 17.30 гача,
соат 18.00 дан — 18.30 гача,
соат 19.00 дан — 19.30 гача,
соат 20.00 дан — 20.30 гача,
соат 21.00 дан — 21.30 гача.

Қатновчилар биоқувват билан тўйинтириб, фойдаланиш мақсадида кремлар, шарбатлар, сувлар ва ҳоказоларни олиб келишлари мумкин.

Эмизикли гўдаклар билан сеансларга кириш мумкин эмас.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

44-29-04, 44-35-91 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 ВА 2 ИЮЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Қодиржон МИРАШУРОВ

Хушовоз хонанда Абдурауф ОЛИМОВ.
Сўз устаси, «Қизиқчи-90» кўрригининг ғолиби

Ҳожибой ТОЖИБОЕВ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/VI да **Риголетто**, 27/VI да **Жизель**, 28/VI да **Чио-чио-сан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера) 28/VI да **Жар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Лаҳма куёв** (премьера) 28/VI да **Парвона.**

КИНО

26 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚАСОС ИШТИЁҚИ» (катта зал, 18.30, 21.00); «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (кичик зал, 17, 19.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФИДОЙИ» (жуфт соатларда ва 20.00 да).

Чайка — «ЯНА БИР АЛОҚА» (18.30, 21.00).

Восток — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «БИРОНБИР ДАЛИЛСИЗ» (21.00); «ДЎЗАХ АЗОВИДА» (21.30).

27, 28 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚАСОС ИШТИЁҚИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФИДОЙИ» (жуфт соатларда ва 20.00 да).

Чайка — «ЯНА БИР АЛОҚА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «БИРОНБИР ДАЛИЛСИЗ» (21.00); «ДЎЗАХ АЗОВИДА» (21.30).

«Ўзбекзолото» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Қизилқум» олтин изловчилар артелига берилган 2607, 5838 номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Тошкент оқшоми» рўзномасига малакали мусаҳҳих (корректор) керак.

Мурожаат қилиш учун телефон: 32-57-82.

«Тошкент абразив заводи» бирлашмасининг жамоаси бирлашма ходими **Виктор Иванович ОКСАЛЕНКО**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 10107.
140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201.**
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.